



ТОШКЕНТ ХАКШИКАТИ

ЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 170 (10.166) • 1991 йил 3 сентябрь • сешанба • Баҳоси 8 тийин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси

АХБОРОТ

31 август кунин Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев очди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқладилар. Унга қуйидаги масалалар киритилди:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида;

— Республика Президенти Фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари С. Д. Сайдалев, А. Орипов, С. Мадаминов (Муҳаммад Солих), А. П. Хлебущкина, И. А. Гамбург, А. А. Аветисов, Д. Н. Шамшетов, Н. Қ. Холбўтаев, Ш. Жўраев, О. К. С. Адаматов, А. Исаев, О. Ж. Маматова, М. А. Эгамбердиев, С. Гофуров қатнашдилар.

Депутатлар Олий Кенгашининг республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотини қабул қилдилар. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб байрам кунин деб эълон қилинди, бу кун дам олиш кунин ҳисобланади.

Олий Кенгаш модда-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонунини қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Президентининг Фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Президентининг «Республика Мустақиллиги кунини муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармонини маъқуллади.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар таклиф этилган намуналарни манфаатдорлик билан ва ҳар томонлама муҳокама этганларидан сўнг конституциявий комиссиянинг мутахассислар гуруҳига ушбу йўналишдаги ишларини давом эттириш ва навбатдаги сессияга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг нусхаларини тайёрлаш вазифасини топшириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан навбатдан ташқари олтинчи сессия ўзинини тамомлади.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ИТТИФОҚДОШ
РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ
РАХБАРЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТИГА

ВИНОАН УНИ Н. А. НАЗАРБОВЕВ ҲАҚИДА ЭШИТТИРДИ

Шу йил 19—21 август кунларини қилган давлат тўғрисидаги натижада мустақил давлатлар ўртасидаги янги Иттифоқ муносабатларини шакллантириш жараёни барбод бўлди, бу эса мамлакатни фалокат ёқасига олиб бориб қўйди.

Ишдан кейин мамлакатда вужудга келган вазият назорат остида чиқиб кетгудек бўлса, мамлакат ичкарисда ва чет давлатлар билан муносабатларда даргумон оқибатларга олиб бориши мумкин.

Биз шунинг қайд этилиши, фитна барбод бўлганлиги, демократ кучларнинг талабаси реакция кучларига ва демократик ўзгаришлар жараёнига тўқилиш қилиб келган барча тўғаноқларга қаттиқ зарба урди. Шу тариқа мамлакатни янгилаш йўлидаги тўб ўзгаришларини жадаллаштириш учун тарихий имконият вужудга келтирилди. Шу шароитда мамлакатнинг қонуний сайлаб қўйилган олий раҳбарлари: СССР Президенти, республикаларнинг Президентлари ва Олий Советлари Раислари ҳокимият тузилмалари янада ниқорозга учрашга йўл қўймаслик ҳамда республикалар ўртасидаги муносабатларнинг янги сиёсий давлат тизими вужудга келтирилгунча, ўтиш даври учун республикалараро (Иттифоқ) ҳокимият тузилмаларини (Янги Конституция қабул этилгунча ва унинг асосида янги ҳокимият органлари сайловни ўтказилгунча) қуйидагиларни қилиш зарур, деган фикрга келдилар:

1. Мустақил давлатларнинг Иттифоқи тўғрисидаги шартномани тайёрлаб, хоҳловчи барча республикалар уни имзолashi лозим, бу Иттифоқдаги мустақил давлатларнинг ҳар бири ўзининг Иттифоқда қатнашиш шакллари мустақил равишда белгилай олади.

2. Республикалар ўзлари эълон қилаётган мақолаларидан қатъи назар уларнинг қўлласига реакция келмаган эътибор эркин иқтисодий макон доирасида ўзаро алоқа боғлаш мақсадида ва халқ ҳўжалигининг бир мейвасида ишлашга эришиш, аҳолининг турмушини таъминлаш, тўб иқтисодий ислохотларни жадал ўтказиш мақсадида дарҳол иқтисодий иттифоқ тузиш таклифи қилинсин.

3. Ўтиш даври шароитида:
— қонун чинарувчилик вазифаларини бажариш ва мустақил давлатлар Иттифоқининг Янги Конституциясини ишлаб чиқиш мақсадида иттифоқдош республикалардан тенг вақиллик қоидадаги буювчи СССР халқ депутатларидан ҳамда республикаларнинг Олий Кенгашлари вакил қилиб юборган депутатлардан 20 нафардан депутат ҳисобидан халқ депутатлари вакиллари кенгаши;

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

МОСКВА, 2 сентябрь. ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлининг Съездлар саройидан хабар қилди. Бугун Москвада СССР халқ депутатларининг бешинчи навбатдан ташқари Съезди иш бошлади. Съездни СССР Олий Кенгаши Иттифоқ Кенгашининг раиси И. Д. Лавтев очди.

Депутатлар реакция бошлаган неси кунлариди ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эста олдлар.

Расмий қилувчи қиссача кириш куттида кунин кеча СССР Президентининг ўн битта республика раҳбарлари билан учрашуви бўлганини, Съезд номига Қўшма Баёнот ишлаб чиқилганини маълум қилди. Баёнотни Қозғонистон Президенти Н. А. Назарбоев ўқиб эшиттирди.

Жумҳурият таъкидлаганича, мамлакатдаги сўнгги воқеалар натижада давлатни янгилашдаги тўб ўзгаришларни жадаллаштириш учун тарихий имконият вужудга келди. М. С. Горбачев ва республикаларнинг раҳбарлари мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги Шартномани тайёрлаш ва бунинг истаган барча республикалар имзолashi керак, деган фикрга келдилар, бу Шартномада ҳар бир мустақил давлат ўзининг иттифоқда қатнашиш шаклини мустақил равишда белгилай оладиган бўлади. (ТАСС).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЪЕЗДИ ИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА РЕПУБЛИКАЛАР
РАХБАРЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

1. Биз Съезд ўтказётган вазиятни, вақтин эътиборга олиб съездни уч кун давомида ўтказишни таклиф қиламиз.

2. Кун тартибига: СССР Президенти билан Республикаларнинг олий мансабдор шахслари Қўшма Баёноти масаласи киритилсин. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар кўриб чиқилсин, тегишли қарорлар қабул қилинсин.

3. Танаффусдан сўнг СССР Президенти, республикаларнинг бошқилари ёки вакилларида иборат ишчи раёсати сайлаш таклифи этилади.

Биринчи мажлисда расмий қилуш СССР Президенти ўрток М. С. Горбачевга топширилсин, сўнгра навбат билан расмий қилинади.

(Давоми иккинчи бетда).



● Тошкент, 1991 йил 31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида. Минбарда жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов.

Суратларни «Ўзбекистон овози» фотомухбири В. МОЛГАЧЕВ олган.

И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар! Юртдошларим!
19—21 август кунларини рўй берган давлат тўғрисидаги сабабли мамлакат дахшатли ҳалокат гирдобига рағб бўладиган ҳолатга келиб қолди. Ўзларини СССРда февралда ҳолат давлат қўмитети деб эълон қилган бир гуруҳ инсидлар миллионлаб одамларнинг бошига янгидан мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар солмоқчи бўдилар.

Бутун-бутун халқларнинг озолигини, жумҳуриятлар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўдилар. Улар Иттифоқдаги оғир, мураккаб вазиятдан фойдаланиб, ўз нопок мақсадларига эришмоқчи бўдилар.

Нега деганда, марказ бошқаруви мутлақо заифлашиб, парокандалик ва саросимада қолди. Мамлакатни идора қилишга қурбон қолмади.

Жумҳуриятлар мустақил давлат бўлиб қолишга интилайгани уларни қўриқиб юборди. Ҳокимият қўлдан кетса, ўзларининг ҳеч кимга керак бўлмай қолишларини улар англаб қолди.

Хуллас, унитар, ўзбекча қилиб айтсак, марказлаштирилган, бутун ҳокимиятни, ҳукмронликнинг ҳаммасини ўзларининг, яъни марказ раҳбарларининг қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар.

Бўлиб ўтган бу воқеалар халқ ҳўжалигига, одамларини ҳаётини катта зарба берди. Шунинг ҳам жар ёқасига келиб қолган мамлакат қанчалик алғов-далғов бўлиб кетганига Москвада ўтаётган сессиялар, улардаги тортишувлар ва моҳирлар аяқол мисоллар.

Эришилган галаба аввало мубор, бунга ҳаммамиз тан берамиз, энг катта ҳисса қўшган рус халқи, Россия ва унинг етакчиси Б. Н. Ельцин қўшган ҳисса туфайли бўлганини ҳаммамиз тўғри тўшунамиз.

Давлат тўғрисидаги устидан розонилган галаба айрим гуруҳларнинг бошини айлантди қўйди. Айни вақтда аяқ-қўлроқ поймол қилинган умидларни тиклади. Лекин шу билан бирга мулоҳаза, ўзаро ҳурмат ўрнини яна қонунсизлик, буйруқбилан, бошқаларни менсимаслик,

баъзан эса очикдан-очик фитна ва қатагон аломатларини ағаллапти. Мамлакатда ҳамма ҳукмронликнинг, энг муҳим давлат лавозимларининг фақатгина битта, энг катта жумҳурият қўлига берилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Бундай ҳаракатлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган ва олиб келмайди ҳам.

Мамлакатда яна қарама-қаршилик кучаяди, тушунмовчиликлар, низо кўпаяди. Оқибатда яна халқ азоб чекади, тинчлигини йўқотади.

Ҳар қандай оғир шароитдан фақат ҳамжихатлик, мурося, бир-бирини ишонч ва бардош билан чиқиб олиш мумкин. Бу — менинг қатъий фикрим.

Мамлакатда бугун мавжуд бўлган кескин қарама-қаршилик вазияти бир кунда пайдо бўлгани йўқ.

Ново-Огоровода Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгашининг раҳбарлари позицияси маълум бўлди.

Улар ҳар хил сиёсий ниқороз остида давлатни, марказий бошқарувини эски ҳолича сақлаб қолишга, Иттифоқ шартномасини тавёрлаш ва имзолашда эса Иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи ҳуқуқлар берилишига ҳаракат қилдилар.

Биз эса Иттифоқни фақат унинг тарихига кирувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлиги билан янгилаш мумкин деган фикрда қатъий турдик. Асосий келишмовчилик мана шундан иборат эди.

Жумҳуриятлар ўзлари хоҳлаган ваколатларни Иттифоқга эмас, балки Иттифоқ хоҳлаган ваколатларини жумҳуриятларга берармиш.

Иттифоқ органларини янгилашнинг бирмунча қўйқарли йўллари таклиф қилган 9 плюс 1 мурожаатига бўлган ҳужумларни эсланг. Ахир уша пайтда бу таклифлар ўзаро келишувни таъминлайдиган тўғри йўл эди.

Менга Ҳиндистонда, тўғрисида бир кун олдин, мамлакатини ҳарбий тўғрисида бўлиши мумкинми, деб савол берди. Ушанда мен, бизда ўнгдан ҳам, сўл-

СССР ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

(Бош 1-бетда).

— республикаларнинг умумий манфаатларига тааллуқли бўлган ички ва ташқи сиёсат масалаларини бамаслаҳат ҳал қилиш учун СССР Президенти билан иттифоқдош республикаларнинг олий мансабдор шахсларидан иборат давлат кенгаши тузилсин;

— ҳалқ ҳужагини бошқаришни мувофиқлаштириб туриш ва иқтисодий ислохотларни бамаслаҳат ўтказиш учун барча республикаларнинг вакиллари иштирокда тенглик негизларида вақтинча республикаларaro иқтисодий комитет тузилсин.

Конституция лойиҳаси тайёрлангандан кейин у иттифоқдош республикаларнинг парламентларида кўриб чиқилиб, тасдиқланиши, иттифоқдош республикалар мухтор вакилларининг Съезида эса уziel-кесил қабул этилиши лозим.

Сайланган барча депутатларнинг СССР ҳалқ депутатлари мақоми улар сайланган бугун мuddат охиригача сақлаб қолиниши тасдиқлансин.

Шу муносабат билан биз Съезда мурожаат этиб, СССР Конституцияси тегишли моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туришни сўраймиз.

4. Ягона Қуролли Кучларни ва ҳарбий-стратегик маконни сақлаб қолиш, Қуролли Кучларда, Давлат ҳавфсизлиги комитетини, Ички ишлар вазирлигини ва СССР прокуратурасида туб ислохотлар ўтказиш мақсадида республи-

каларнинг мустақиллигини эътиборга олиб, мудофаа ҳуқуқига жамоа ҳавфсизлиги қондалари асосида битим тузилсин.

5. СССРнинг барча халқро битимларига ва унинг ўз зиммасига олган мажбуриятларига, шу жумладан қурулроғларнинг қисқартириш ва улар устидан назорат қилиш масалаларига оид мажбуриятларига, ташқи иқтисодий мажбуриятларига қатъий риюа этиш тасдиқлансин.

6. Фуқароларнинг миллатидан, истиқомат жойидан, партиявий мансублигидан ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, шунингдек кам сонли миллатларнинг ҳуқуқларига қаролат берадиган декларация қабул этилсин.

7. СССР ҳалқ депутатлари Съезидан иттифоқдош республикаларнинг ўзларини халқро ҳуқуқ субъектлари деб тан олиш ва уларни БМТ аъзолигига қабул этиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида БМТга қилган мурожаатларини қўллаб-қувватлаш сўралсин.

Вужудда келган вазиат тақозо этган мазкур тадбирлар-

ни зудлик билан ўтказиш зарурлиги муносабати билан биз Съезда мурожаат этиб, тақлиф этилган масала юзасидан зудлик билан қарор қабул этилиши илтимос қиламиз.

Баёноти

ССР Иттифоқи Президенти, РСФСР, Украина, Белоруссия ССР, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон ССР, Озарбайжон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Арманистон Республикаси, Туркменистон ССРнинг олий раҳбарлари имзоладилар.

Грузия ишда қузатувчи сифатида қатнашди. Тўндаги иш жараёнида баъзи республикаларнинг мулоҳазалари бор эди, бугун эрталаб бу мулоҳазалар бартараф этилди.

Тегишли Баёнот муносабати билан депутатларга иш тартиби тўғрисидаги иккинчи Баёнот тарқатилди, бу Баёнот ҳам юқорида кўрсатилган барча олий раҳбарлар томонидан имзоланган.

И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Президент фармони билан жумҳурият ҳудудида фавуқлода ҳолат комитети деб аталган сохта комитетнинг қонунга, Конституцияга хилоф фармон ва қарорлари бекор қилинди.

Бизнинг муносабатимиз ҳалол ва очиқ-ойдин эди. Биз халқдан ҳеч нарса ни яширганмиш йўқ.

Шу фурсатдан фойдаланиб илғорларга учмагани учун, юртимизда тенглик ва оқилолиқни сақлаб қолишни учун, бизни қўллаб-қувватлагани учун халқимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Тўнтарих бариб бўлгандаги равшанлашгани сари, дастлабки дақиқалардан бошлаб кўплар ўзларини оқшага, яна кўрақларига уриб, ўзларининг садоқатли эканликларини кўрсатишга киришдилар ва бу ҳол ҳоҳир ҳам давом этайти.

Бизнинг эса сиёсатимиз ўзаргани йўқ. Ишончим комилки, бизнинг ҳеч ким олдида юзимиз қизармайди ва ҳеч кимга садоқатимизни исботлашга ҳоҷат йўқ.

Биз учун энг муҳими доимо мажбуриятларига хизмат қилиш, дийримида яшаётган барча одамларга яхши турмуш шароитларини яратишдир.

Юртимиз бош, имкониятларимиз катта. Халқимиз меҳнат қилишни ички билди, қадимий анъаналар ва бой маданиятга эга. Бу ўлада буюк мутафаккирлар воғта еган.

Мана шундай замандаги халқ, ҳар бир оила, ҳар бир кичи, миллатдан қатъий назар, бахтли илғашга ҳақлидир. Бу мақсадини амалга ошириш учун биз ҳамма нарсага тайёрмиш.

Бу мақсадга етишнинг асосий шарт — фуқаролар ҳам-жиҳатлиги, миллий тотувлиги, ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш билан бирга мустақам тартиб-интизом ўрнатишдир.

Олий Ненгашиимизнинг биринчи кулларида қабул қилган барча қонунлари, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ана шу мақсадга, республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига қаратилган. Мана шу Олий Кенгаш тартиби қабул қилган жумҳуриятнинг давлат мустақиллиги Декларацияси бунинг яққол далилидир.

Биз юқоридан бериладиган кўрсатмаларни, суверенитетимиз ва мустақиллигимиз яни Иттифоқ шартномаси билан қачон мустақамлаштириш кутиб ўтирмадан дарҳол бу мақсадини амалда рўйбега чиқара боламиз. Бу ютуқимизни бизнинг ҳеч ким тортиб ололмайд.

Одамларнинг иқтисодий ҳимояларини даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилди. Уларнинг кўпчилиги тегишли қонулар билан мустақамлашди, Президентнинг фармонларида ва ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топди.

Гап ер устаклари ажратиб бериш, ўзининг ердими ҳўжалигини юртини ва янқа тартибда уй-йўқ курши учун одамларни барча зарур нарсалар — уруғлик ва кучат, чорва мол ва паррандалар, қурилиш материаллари билан таъминлаш тўғрисида борапти.

Пенсиялар, ўқитувчиларнинг иш ҳақи, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун бенул нонушталар, анемия, яъни кам қонлик касалига мубтало бўлган ҳомилдор аёллар учун имтиёзи оватқатлиши жорий қилинди. Уруш қатнашчиларига, ўқитувчиларга ўзлари яшаб турган давлатга ва идораларга қарашли кварталларнинг шахсий мулк қилиб топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётнинг таркибий қисмларини шакллантириш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар амалда сезиларли бўлиб қолди. Республиканинг марказий иқтисодий идоралари ислох қилиниш боққидан турибди. Бу идоралар ўз фаолиятида тақсимлаш принципларидан кўпроқ воз келмоқдалар, марказнинг ҳукмидан халос бўлмоқдалар ва мулкчилик шаклларида, кимга бўйсунилиш қатъий назар, республикада жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларнинг иштини мувофиқлаштиришга тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Молия-кредит соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Иш билан таъминлаш муассасалари принципидан янғича асосда қайта ташкил этилмоқда. Кичик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасида ҳам сезиларли силжишлар бўлди. Савад, матлубот кооперацияси, машиий хизмат, маҳаллий саноат соҳасида ҳозирдаёқ бошқа мулкчилик шакллари билан баб-баравар хусусий корхоналар ҳам ишлаб турибди. Кооперативлар ҳамда қўшма корхоналар кўпайди ва кенгайди.

Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз сезиларли равишда ривожланишти. Бунинг учун қўлай ҳуқуқий негизни яратувчи қонулар қабул қилинди. Ишбилармонларнинг Тошкентдаги учрашуви ташқи бозордаги ишларни кучайтиришга, чет эл компаниялари, фирмалари ва банклари билан тўғридан-тўғри, ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатишга туртки бўлиб хизмат қилди.

Учрашувда чет эллардаги кўпгина ватадонларимиз ҳам ҳовир бўлдилар, уларнинг кўпчилиги биринчи марта она юртига келди олди. Улар бизни қўллаб-қувватлашларини ва ҳар қандай ердан беришга тайёр эканликларини билдиришти. Тошкент учрашуви кўпгина чет эллик сармоядорлар учун Ўзбекистон истиқболли ва ишончли шерик эканлигини намойиш қилди. Учрашув давомида ва ундан кейин имзоланган шартнома ва битимлар республиканинг ташқи иқтисодий имкониятлари катталаниши, чет эллик шериклар билан барқарор алоқаларни йўлга қўйишдан ҳамманинг ўзаро манфаатдорлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Хиндистонга биринчи мустақил, расмий ташрифи ҳам танлаган йўлимиз тўғри эканлигининг яққол далилидир.

Хурматли депутатлар! Ташриф давомида бу буюк қўшни давлат раҳбарияти билан имзоланган ҳужжатлар асосида мен шуни ишонч билан айта оламанки, бу тўртинчи битимлар биз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равишда ҳал этиб, етилган масалаларни ечишда Иттифоқ идораларидан сезиларли равишда олдин борамиш. Бу хусусда марказдагиларнинг бироргаси ҳам бизни олдилаб қабул қилмаётгани йўқ. Аксинча, ғўе бу — Ўзбекистон Президентининг ўбощимчаллиги деб хисобланади. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ кўрсатмаларига мувофиқ келмайд. Ёни уларга эид эмиш. Гўе буларнинг ҳаммаси вақти келиб тугатилар эмиш.

Вунга ажабланмас ҳам бўлади. Марказ ўтказиб келган сиёсат республиканинг ривожланишига, аввало, унинг мустақиллигига, миллий тилинишига эиён етказди, холос. Бу сиёсат республикага ҳам ашб бааси ролини ажратиб қўйган бўлиб, чор Россиясининг сиёсатидан деярли фарқ қилмасди.

Иттифонининг барча бошқарув идоралари мана шуни асосий ўринга қўйишган эди. Улар фақат битта нарса ни биллашарди. — Бу минтақа пахта, хом ашё билан таъминлаб туриши лозим, қолгани эса ночор халқнинг ўзинга ҳавола эди. Бизга кўп нарса ваъда қилишганди. Мамлакатнинг пахта мустақиллиги йўлида республика кўп қурбонлар берди. Халқимиз тақдирини гўшт, сут ва ҳаёт учун энг зарур бўлган бошқа маҳсулотларнинг фақат четдан олиб келинишига боғлиқ қилиб қўйилди.

Мана шуларни оқиқ айтиш пайти келди, акс ҳолда биз халқни ишонтира олмаимиз. Шунинг рўй-рост айтиш керакки, бундай сиёсат Ўзбекистони ҳалотга ёқасига, қаншоқ, ночор аҳволга олиб келди. Бюджетда эса молиявий қа-

рамликка олиб келиб қўйди. Сарф-харajatларимизнинг етишмаётган қисмини қоплаш учун марказ бироз қўшимча пул — садақа беради, деган умид билан илғашга бизни мажбур қилдилар, ҳар бир арзиманган нарса учун биз марказга бўйин эгиб борад эдик.

Бу вақт ичнда бизга ким дўсту ким душман, ким бизга яхшилик, тинчлик, хотиржамлик тилайди кимнинг қўйишда тоши борлигини ҳам аниқ биллиб олдик.

Биз юртимизни чин юракдан севиб, унга кўнгли қўйганларни ҳам ва аксинча бизнинг тарихимизни, тилимизни, урф-одатларимизни, улуғ маданиятимизни ҳеч қачон билмаган ва билишни истамайдиганларни ҳам тушуниб етдик.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш, жумҳуриятимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида гуноҳсиз жорб торган авлодларимиз, одамларимиз шанини, номини, ор-номусини тиклаш борасида сўнги йилларда қилган ишларни халқимиз қўллаб-қувватлади. Аҳолининг барча табақалари вакиллари бундан рўхналанди, халқнинг сиёсий ва маънавий оғни юксалди, хуллас, одамларнинг қадди ростланди.

Буларнинг ҳаммасига халқимиз не азоблар билан, ўзининг бугун тарихи ва мисли қўрилмаган меҳнати билан эришти. Шунинг учун биз бу йўлдан қайтмаймиз. Бу — бизнинг халқимиз, унинг келажиги олдидаги бурчимиз, жавобгарлигимиздир.

Ўртоқлар! Бугун халқимизга шу нарса аниқки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишни ягона йўли бор. У ҳам бўлса — жумҳуриятнинг мустақиллигига эришишдир.

Мамлакат катта фалокат ёқасига, жор ёқасига келиб қолганини кўриб туришимиз. Халқ ўзининг эртанги кунини ишончлини кундан-кунга йўқотишти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига қаролат истади. Тўнис, хотиржам ҳаёт талаб қилайти. Бу истаklar, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозликлар остида кўмилиб кетаяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, оқилолиқ, бошқа халқларга нисбатан хайрхоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳамро талаб қилапти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатга яроша турмуш шароитлари талаб қилапти. Бу — ҳаққоний талабдир.

Хабарингиз бор, биз сўнги пайтда Иттифоқ шартномасини имзолашни тезлаштириш тарафлари бўлиб келдик. Агар бу Иттифонининг конфедерация асосида ҳаққонан ҳам тенг, мустақил давлатлар Иттифоқи бўлишига ишонч бўлганда, биз бугунги кунда ҳам бу фикримиздан қайтмас эдик.

Аммо, яна қайтариб айтаман, вазиат жуда тез ўзгариб бормоқда.

Мен бугун мазкур сессия иштирокчиларига эмас, бугун халқимизга ҳам мурожаат қилиб айтомоқчиман:

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай Иттифоқ бўлмасин, ким билан Иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичнда тенг бўлиш — халқимизнинг асрий орзусидир.

Шунинг учун биз ўз мустақиллигимизни янада мустақамлаш йўлида янги қадамлар қўйишимиз шарт. Ўзбекистон давлат мустақиллиги Декларацияси қабул қилиниши қаторида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлиги комитетининг жумҳурият қаромонига ўтиши, СССР Ички ишлар вазирлигининг жумҳуриятга қўшнилари жумҳурият Президентига бўйсундирилиши, ҳуқуқ-тартибот органларида, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган қўшинларида партия ташкилотларининг тугатилиши ана шундай биринчи қадамлардир.

Биз билан самимий дўстлик алоқаларини, тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорлиқни ўрнатмоқчи бўлган барча кишилар бу тадбирларимизни тўғри тушунишларини хоҳлайман.

Бу — мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан алоқаларни мутолға узиш деган гап эмас. Хусусан, бир-бирига пайванд бўлиб кетган халқлар яшайдиган Ўрта Осиё шароитида бунинг эсавауру ҳам қилиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштари тарихи ва маданияти, қавм-қариндошлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-бирдан ажратолмайди.

Биз бу алоқаларни, бу ҳамкорлиқни бундан кейин ҳам мустақил давлатлар ҳамкорлиги сифатида ривожлантирмоқчимиз. Беш жумҳурият раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида қабул қилинган қарорларнинг оғишмай амалга оширамиз. Минтақада яшовчи барча халқларнинг ҳаётига ва тинч-тотувлигига тасвир қилувчи мураккаб экологик, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни фақат биргаликда ҳал эта олишимизга ишончимиз комил.

Биз Иттифоқ шартномасини имзолаш гоёсини батамом рад этаётганимиз йўқ. Аммо бу шартномага жиддий ўзгаришлар киритиш зарур.

Буламак Иттифоқ мустақил давлатларнинг конфедерацияси, эркин Иттифоқ сифатида шаклланиши керак. Бу давлатлар игона иқтисодий ҳудудга эга бўлиб, ҳарбий, сиёсий, тинчлик, ижтимоий тараққиёт, ядро ҳалокатидан сақланиш учун курашда ўзларининг ташқи сиёсатдаги фаолиятларини ҳам бирлаштиришлари лозим.

Аммо шу билан бирга улар эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузилиши, ташқи бозорга чиқиш, ўз маъқул топган барча мамлакатлар билан халқро муносабат ўрнаттиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу иш ҳеч кимнинг бўйғусиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак!

Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонуни муҳокима этиш ва уни қабул қилишни тақлиф етмаман.

Бу Қонунда қадимий ва янгилаётган дийримида истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу өзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.

Сўзининг охирида Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан унинг ҳудудида яшовчи бирон-бир фуқаронинг миллатига қараб камситилишига йўл қўйилмаслигини яна бир қарра шийороти айтишни ўзининг Президентлиги бурчим деб билмаман.

Жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқиниши барча шароитларни яратиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик ва эзгулик қонуларига асосланиб ҳамда фуқаролар оқилолигини ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади.

Мен шу бугундан эътиборан Биринчи сентябрни жумҳуриятимизда Мустақиллик кунини, Умумхалқ байрами деб эълон қилишни тақлиф етмаман.

Бу байрам, сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юрдошларим!

Бу байрам абадул-абад бўлсин!

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

31 август кунин ўзбекистон Президентини И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашти. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги тўғрисида Қонун қабул қилган олтинчи сессияси яқунлашти биланоқ ўтказилган бу учрашувда оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, рўнонамалар ва ойнамаларнинг қаламқашлари, радио ва телевидение ходимлари, Иттифоқ нашларининг Ўзбекистондаги мухбирлари, «Вашингтон пост» газетасининг мухбири Жим Руперт қатнашти.

Ўзбекистон меҳнатқашлари тарихига 1991 йилнинг 31 август кунин шонли саҳифа бўлиб киради. Бундан буюн республикамиз сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Эндиликда у қардош республикалар билан ҳам, чет эл давлатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли давлат сифатида алоқалар боғлайди, деб таъкидланди журналистлар билан учрашувда.

Жумҳурият Президентини Иттифоқ шартномасига имзо чекиш ва республиканинг мустақиллиги ҳақидаги Қонуннинг қабул қили-

ниши тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, биз Олий Кенгаш қабул қилган мазкур Қонунга асосланиб иш юритамиз ва Иттифоқ шартномасига қўл қўйишда ушбу Қонунга асосланишимиз, деб уқтирди. Барча республикалар билан муносабатларимиз фақат тенглик негизида бўлади. Ҳеч кимнинг зуғум ўтказишига, ўз ҳукмининг юртишига йўл қўйилмайди, деб айтилди аянжуманда.

Президент «Вашингтон пост» мухбирининг Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бундан кейин қандай кечади, деган саволга жавоб қайтарар экан, биз Борис Елциннинг, Россия парламентининг фитначиларни махв этишда матонат қўрсатганини, бунда улар тарихий вазифани адо этганлигини эътироф қиламиз, деди. Айни вақтда бошқа қардош жумҳуриятлар сингари Россия билан муносабатларимиз ҳам тенг ҳуқуқли пойдеворга қуришмоғи керак.

Марказий газета мухбирларидан бири мустақил Ўзбекистонда рус тилида сўзлашувчи аҳолининг ҳуқуқлари қай тариха ҳимоя қилинади, деб берган саволга

Президент: миллати, диний эътиқоди ва иридан қатъий назар, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқлари тўла муҳофаза этилади, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияга қатъий риюа қилинади, деб яна бир қарра таъкидлади. Биз 21 миллион нафар Ўзбекистон аҳолининг тинч, оқилолиқ яшаш учун барча ишларни қиламиз. Халқнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ҳаракатида бўламиз.

Аянжуманда Иттифоқ корхоналари фаолияти билан боғлиқ саволлар ҳам берилди. Бу корхоналар эңдиклига республика иштирига ўтди. Бундай завод ва фабрикаларда яратилаётган моддий бойлик бундан буюн халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Ўзбекистон ўзининг пулини чиқарадими, деб савол берилганда жавоб бундай бўлди: Болтибўйи жумҳуриятларида, Украинада, бошқа бир қанча республикаларда ўз миллий валютасини чиқаришга ҳаракатлар бўлиб турибди. Агар Иттифоқ органлари Ўзбекистон бундан ҳам танг аҳволга

солиб қўйишадиган бўлса, жумҳурият пулини чиқариш масаласи кун тартибига қўйилиши мумкин.

Учрашувда Ўзбекистоннинг олтин конларини республика манфаатини қўллаб тасарруф этиш хусусида Президент уларга жавоб берди экан, Олималик конметаллургия комбинатида тайёрланаётган олтин ва кумуш республика иштирига олинаятганлигини айтди. Агар марказий ҳукумат олтин бойликларни хусусида бизнинг раъйимизга юрмайдиган бўлса, Зарафшон комбинати олтинларини жумҳурият халқи тасарруфига олиш ҳақидаги масала ҳам қалқиб чиқади, а/албатта. Бу бугун Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида қабул қилинган мустақиллик тўғрисидаги Қонуннинг ерости бойликларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш республика иштиридадир, деган бандига ҳам айнан мос келади.

Ўзбекистон Компартиясининг истиқбол хусусидаги саволга жавоб қуйидагича бўлди. Компартия XXII съезди яқинчи боққисининг жами ҳужжатларида халқимизнинг тарихи, унинг урф-одатлари ва анъаналари, маҳаллий шароитлар, халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган мустақил сиёсий йўлимиз тўла, тўқис ўз ифодасини топди. Бу аввало Ўзбекистон Компартияси дастурида, унинг Уставида акс этди. Ўзбек халқининг фаровонлиги, миллатидан, диний эътиқодидан ва маъқендан қатъий назар, республика ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг фаровонлиги шундай олий мақсадлик бўлиб қўйла. Биз ҳар қанча жон куйдиришга тайёрмиш. Фуқароларнинг оқилолиқлиги, миллий тотувлик, тадбиркорликнинг тўла иқтисодий эркинлиги шароитида республика турмушининг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартиб ҳам мақсадга эришишнинг асосий йўлидир. Бизнинг олий мақсадимизнинг рўйбега чиқаришга бел боғлаган бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан ҳам ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

Журналистлар билан учрашувда қаламқашларнинг бошқа кўпдан-кўп саволларига ҳам батафсил жавоб берилди. (ЎзТАГ).



Жумҳуриятимиз пойтхотида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси бўлиб ўтди. Суратда: мажлистан сўнг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан қарор қиламан:

1. Озолиқдан маҳрум қилиш ва озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН — ВИЛОЯТИМИЗДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Чиноз

РЕСПУБЛИКА Олий Кеңашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун қабул этилганлиги ҳақидаги хушхабар ўзларнинг айтаётган кенгашларига тўланган район механикаторлари кайфиятини кўтариб юборди. Улар узоқ йиллардан бери орзу қилиб юрган мақсадимиз рўйга чиққанлигини қизгин олдчиларидан Кенгаш қатнашчилари мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, турли миллатдан иборат халқларнинг турмуш фаровонликлари учун муносиб ҳисса қўйишга аҳд қилдилар.

фити хукм сурди, қарнай-сурнай садолари янгради, бадий ҳаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Савдо ярмаркалари харидорлар хизматига бўлди, марказий стадионда турли хил спорт ўйинлари мусобақалари ўтказилди.

— Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлигини районимиздаги барча миллат вакиллари мамнуният билан кутиб олдилар. — деди район партия комитети котиби Т. Оллоберганова. — Улар бир-бирларини байрам билан табриқладилар, тўқин-сочин дастурхонлар атрофида дўстона суҳбат қурдилар.

— Ўзбекистон шу пайтгача Москвага нисбатан боғлиқ қолган эди, — деди К. Маркс номидаги колхоз раиси Мирса-

ид Абдукаримов. — Энди ўз муаммоларининг ўзини ҳал қиламиз, бундан ҳам яхшироқ яшаш учун курашамиз.

Чинозликларнинг ҳаммаси шу фикрда. Бу ерда миллатдан қатъий назар, барча бир ёқдан бош қақариб ҳўнат қилади. Шу бондан ҳам хонадонлардан, дастурхонлардан баракка кўтарилайдилар, тўй-танталар тўхтамайди.

Район меҳнаткашлари Ўзбекистон мустақил демократик давлат сифатида эълон қилинган йилда эришганларига олган барча намуналарини шараф билан бажаришга, аҳолини озғин-овқат маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлашга сўз бердилар.

Э. ҚОСИМОВ.

БУЮК АЙЁМДИР БУ КУН

Ҳар дил наво этса ўз сози аро, Иўдогган шавқини топмиш
Бўстон кучоғига сеҳр биткайдир, кўна Шарқ
Кўксин осмон бўлиб, оддий Олтин смёҳ билан ёз, эй,
фуқаро — муаррих,
Аҳли Ўзбекистон эиқр этгайдир, Кувонч дунёсида айланмоқда
Бугун покланмоқда чанг босган чарх,
тарих, Турсун МУҲАММАД.



Оҳангарон

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ меҳнат аҳли қаторида оҳангаронлик ҳам Ўзбекистон Олий Кеңашининг навбатдан ташқари сессияси ишнин катта қизғиш ва зўр ҳажмон билан кузатилади. Айниқса, унда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги кишиларни беҳад тўқинлантириб юборди.

Биринчи сентябрь куни ноҳия маркази меҳнаткашлар билан ҳар қачонгидан ҳам бағжум бўлди. Бу ерда турли миллат вакиллари иштирокида Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинганлиги бағишланган халқ сайли ўтказилди.

Ноҳия марказидаги майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

лари ва саноат молларининг савдоси уюштирилди. «Ангрэн», «Оҳангарон», «Ғаллақудуқ», Алишер Навоий, Собир Раҳимов ва Ворошилов номидаги шуру хўжалиқларнинг деҳқонлари, соҳибдорлари ва савдокорлари шаҳарликлар дастурхонига ўзлари етиштирган турли-туман ноз-неъматларини тортиқ қилдилар. Бу хўжалиқлардан келтирилган пилёз, картошка, қовун-тарвуз, узум-олма ва Оҳангарон консерва цехининг маҳсулотлари харидорларга арзон баҳоларда сотилиб, уларни беҳад мамнун этди. Бу тадбирларни ташкил қилишда шаҳар савдо идораси, «Оҳангаронцемент» ишлаб

чиқариш бирлашмасининг ишчилар таъминоти ва шаҳар умумий оқатлиши корхонаси алоҳида фаволиқ кўрсатди.

Халқ сайлида шаҳардаги 2 та маданият уйи ҳамда турли корхона ва ташкилотларнинг ашула-чолгу дастурлари ҳам иштирок этиб, ўзларининг замонавий кўй ва кўйиқларини билан байрам қатнашчилари кувончига қувонч қўшдилар.

Жумҳуриятимиз мустақиллигига бағишланган умумхалқ байрами шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида то ошом тошгунча давом этди.

Р. ҒАНИЕВ.

Ангрэн шаҳри

КАРНАЙ-СУРНАЙ садолари эрталабдан В. И. Ленин номидаги марказий майдонга одамларни торлади. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги бағишланган интининг халқ депутатлари шаҳар Кеңашини ижроа комитети раиси, жумҳурият халқ депутати С. Ю. Юсупалиев очди. У йилгиланларни Мустақиллик куни билан табриқлаб, жумҳуриятимиз инсонпарварлик қондилари асосида ашаб, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинганлиги эълон қилганлигини айтди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи котиби О. Турғунов биз чинакам тарихий лаҳзаларни бошдан кечиряётганлигини эслатиб ўтди. У республика халқлари бундан буюн ҳам дўст-қўндоқликка яшашмақдори, бу дўстлик эълон қилинган давлат мустақиллигини, иқтисодий қудратинини мустақамлашга таъкидлаб ўтди.


Халқ депутати Н. Г. Носков айтдики, республика мустақиллигининг эълон қилинганлиги — қонуний тарихий ҳодисадир. Лекин бу билангина иш битмайди. Давлатимизнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли ҳам қилинганлиги керак. Ўзбекистонда ҳамма нарса бор — хилма-хил фойдалар қазишлар ҳам, бой миллий маданият ҳам мавжуд. Фақат тартиб ва интизом мустақамлаш, азалдан ўзбеклар диврида ҳукм суриб келган яхши қадриятлар яна йўлга қўйилса мақсадага эришим мумкин.

«Ўзбекшахтострой» трести бошқарувчиси Э. В. Калустьян дивримизнинг саҳовати тўғрисида, нон шаҳри номли билан шухрат тонган республика пойтахти Тошкент ҳақида тўқинлашиб гапирди. Республикаси гуллаб-яшнаши учун қалб кўри билан, бутун меҳримизни бериб ишлаганимиз керак. Шундагина юртимиз янада тўқин бўлади.

Халқ депутатлари, оддий ишчи-хизматчилар, оқсоқоллар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар бирин-кетин сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси юз берган воқеанинг илҳомиди муҳимлиги тўғрисида гапириб, тинчлик ва дўстликни мустақамлашга ўқиндилар. Нотиқларнинг сўзларида яхши келажикка умид кўзи билан қаралаётганлигини ҳис эттиш мумкин эди.

Митинг тугади. Ленин байрам узоқ давом этди. Марказий майдонда шаҳардаги маданият саройлари ва ўйларнинг ҳаваскор-артистлари, ўқувчи-ёшлар томошалар кўриб, кейин ўйин-кутил маҳалларда давом этди. Кечқурун шаҳар маданият ва истироҳат боғида катта концерт қўйиб берилди.

(Ўз мухбиримиздан).



Коммунистик

«ТОШКЕНТ — ЯНГИВОЗОР» автобусидан тушушни биланон район марказидаги майдончага ошқидим. У ерда қандайдир ҳаваскор ашула-чолгу дастаси қўшиқ куйлар, атрофдаги савдо шаҳобчаларида эса ҳарид авжида эди. Майдондан ўтиб тўғри райкомга, биринчи котиб қўйилга кирдим.

Биз эрталаб соат еттидан маҳсулотлар ортланган машиналарни қабул қилиб олдик. Бугунги байрам тадбирлари райондаги барча хўжалиқлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Бизда етиштирилмайдиган узум, қовунларни қўшин районлардан олиб келдик. Рай-

он аҳолисига нон етказиб беришда бир қанча қийинчиликлар бўлаётган эди. Бугун мана уларнинг бир неча хил соғувга чиқарилди. Район марказида эрталабдан бери 30 га яқин мол сўйилди. Хуллас, айёмни сермазмун ўтиши учун ҳамма бир хилда ҳаракат қилапти. Халқ сайли кишилар шодлигига шодлик қўша, биз учун шуниси муҳим, — деди Туроб ака Холтоев.

— Лекин кўчаларда кишилар камрон кўринди... — Уч-тўрт кун аввал на-нол ўрими бошланган. Уни бир кун ҳам тўхтаб бўлмайди. Бироқ байрам дала-ларини четлаб ўтмайди. Урим-

райондаги барча миллат вакиллари бир хил кайфиятда кутиб олишди.

Биринчи котиб билан суҳбатни районга айлана туриб давом эттирдим. Мени ҳайрон қолдирган нарса, нархлар бўлди. Коммунистик районга худди бизга ваъда қилинган коммунизм кириб келгандек туюлди менга. Мана ён дафтарамадан қайлар: картошка — 1 сўм (килоси), бақлажон — 50 тиын, тарвуз — 30, помидор — 50 тиын.

Совун хилд чойлари эса талонсиз, эркин савдога чиқарилган.

Дўконлар тепасида ёзилган «Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон!» ёзувлари худди ана шу аროчиликка рамзий белги бўлиб туюлади.

Аброр ИМОМХУЖАЕВ.

Ғалаба

КУЧАЛАРГА чиққан минглаб кишиларни қўдан-қўн дўкон ва кўча дўкончалар, шўх мусиқа садолари янграётган майдонлар атрофида учратиш мумкин эди. Уларнинг ҳаммаси хуш кайфият билан бир-бирларини қўлашмоқда.

Жумҳуриятнинг мустақиллиги эълон қилинганлиги ҳақидаги хабарни ғалабалар кейинги вақтда бугун мамлакатда юз бераётган жараёнларнинг мантқий давомии сифатида қарши олдилар. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги қонунда улар ўзларининг конституциядаги ҳуқуқлари ҳимояланганини қафолатини ҳам кўрмоқдалар.

Шу кунги қўлар билан суҳбатландик. Субатдошларимиз турли миллат вакиллари ўртасида ташкил топган бузилмас дўстликни мустақамлаш тўғрисида, жумҳуриятда тартиб ва хотирнамликни бундан буюн ҳам сақлаб туриш тўғрисида гапирдилар.

— Бизнинг фидокорона меҳнатимизгина, — деди Киров номидаги жамоа хўжалиги меҳнатчи А. Дусебеков. — Бизга кувонч ва ҳаёда муваффақият келтириши мумкин.

— Ўзбекистон мустақил булганлиги бизни қувонтиради, — дейди шу хўжалик бош агрономи Д. Сафаров. — Шу билан бирга бизнинг бундан буюнги ютуқларимиз қўшни республикалар билан ўзаро муносабатларимизни яхши йўлга қўйишга ҳам боғлиқдир.

Республика мустақиллиги эълон қилинган кунга бағишлаб ўтказилган тантаналарнинг қатнашчиларида катта қизғиш уюғоти. Шодоналар район марказидан кейин хўжалиқларда давом этди. Байрам дастурхонларига деҳқонларнинг саҳоватли қўллари билан етиштирилган ноз-неъматлар тортилган эди.

(Ўз мухбиримиздан).

да эса қийин-кечак ва бошқа саноат моллари билан савдо қилувчи дўконлар ишлаб турди. Улардан ҳам ҳар ким ўзига керакли буюмни харид қилиб олмақда эди.

Тантаналар аста-секин илҳомиди Мингочлар исгироҳат ва боғиға кўчди. Бу ерда то оқшомга қадар халқ сайиллари давом этди.

Уша кун ноҳия марказидагина эмас, қишлоқлар, жамоа хўжалиқларида ҳам мустақиллик кунин зўр тантана ва шодоналик билан нишонланди. Деҳқонлар ишини ҳам унутмадилар, даладарда, боғроғларда меҳнат мароми бузилмади.

Мустақиллик кунини ҳамма ерда бўлгандек, бўжалик марду-майдонлари ҳам халқ хўжалиги, тармоқларида, иқтисодийда янги ютуқлар сари ундади.

Н. РИХСНЕВ.

Янгийўл

НИХОЯТ халқнинг орзу-умиди ушлади. Ўзбекистон тарихи зарқлар ҳарфлар билан битилганган сана — Биринчи сентябрь — янги фаслининг дастлабки кунин, бу йил дивримизга ўзгача бир суррун, кувончларга тўйинган руҳин етак-лекди. Асрлар ўтди, бирок том маънодаги оламни кузанинг тенгизис неъматини авлоддан-авлодга ўтаверади ва бу шундай неъматини, унинг соф ҳавосидан баҳраманд бўлган инсон қониди курашларга иштинёқ гупиради. Чунки кўнне дивримизнинг янги даври — мустақиллик фақат шунга ундади.

Янгийўл райони меҳнаткашлари ҳам асл хурлик кунини муносиб нишонлашга ҳаракат қилишди. Район маркази Гул-

баҳор кўрғони эрталабданок байрамона тус олди. Кўчма савдо дўконлари киём-кечаклар ухлама-хил кўч наъматларини байрам қатнашчиларига ҳавола қилди. Кутлуг сана яна бир байрам — Билимлар кунинга тўғри келди. Шунини ҳисобга олиб ўқувчилар учун савдо кўргазмаси ташкил қилинди. Шаҳмат-шашка, теннис ичиқбозлари учун ҳам мусобақалар уюштирилди.

Байрамона кайфиятда тўпланган одамлар турли тилларда бир-бирларини муборакбод эттиди. Чунки районда истиқомат қиланган 132 минг аҳоли 30 миллатга мансуб. Очик чехр билан рус қозоқини, қозоқ, ўзбекини қутлаганини кўриб, қўнгандан бир ўй кечди. Мустақил дивримизнинг бундан

буёнги раванқи тотувликка, ягона мақсад сари аҳиллик билан ҳаракат қилишга нақадар боғлиқ.

Очигини айтганда байрам бирмунча қамтарона бўлди. Чунки одамларимиз ҳали ҳам кувончларга тўлиқ эриқ беришга ўрганшмаган. Йиллар давомида қон-қонимизга сингидилар юборилган тушунчалар, хислар заминда вужудга келган ҳадик асорати ҳали ҳам кўпчиликини тарқ этмагани афсуски, сезилиб турпти. Бироқ ишонимлики, озодлиқ шамолни бу ҳадикни суғуриб кетади. Мустақил дивримизнинг хур халқи ўз эркинлигини ошқора завоқ-шавқ билан нишонлайди.

Б. МИРЗАҚОБИЛОВ.

Бўка

роқ қад кўтариши ва мустақам бўлиши фақат ўзинизга, уюшқонлигинизга, бирдамлигинизга, аҳиллигинизга, иноқиниқинизга, меҳру нафбат ва оқибатлигинизга боғлиқ. Ҳеч ким бу мустақиллик йўли осон бўлишига нафоланд бера олмайди. Оқимизда катта муаммолар ва қийинчиликлар турган бўлиши табиий. Бу қийинчиликларни бирдамлик билангина егаимиз.

— Бунини юрагимиздан ҳис қилиб туришимиз, — деб айтдики бўжалиқлар, — шунини учун ҳаммиша, ҳар қачон, ҳар бир ишда бир-биримизга ҳамкор, мададкор бўлиб, меҳнат қилишга тайёрмиз.

Кўп ўтмай марказ қишлоқ меҳнаткашлари вакиллари билан гаважум бўлиб кетди. Тантаналар бошланди. Карнай-сурнай, ҳаваскорларнинг қиқини...

Ноҳия савдо ва умумий оқатлини ташкилотлари аҳолига баҳоли қудрат ва ҳолис хизмат кўрсатиши, уларни қудалиқ рўзгор учун энг зарур озғин-овқат маҳсулотлари ва буюмлар билан хушнуд этиш учун қизғин тайёргарлик қўрган эдилар. Кўчаннинг бир томонида жамоа хўжалиқлари дала ва боғлардан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси қизғин бўлиб кетди.

Кўчаннинг иккинчи томони-

Мустақиллик кунини — ноҳияда ўзига хос шодонага айланди. Эрта тонданок Ғалабалетнинг марказидан Ғалабалетган карнай ва сурнай садолари барчани ўзига қорлади.

Бу ерда кўчма савдо рас-талари аҳолига хизмат кўрсатди. Байрамга таширф буюрғонлар кўчма магазин ва рас-талардан мева-чева, ширин-шакар пишириллар, гўшт, болалар киём-кечакларига ҳарид қилиш имкониетига эга бўлдилар. Кунининг иккинчи ярмида район маданият уйи қошида ташкил қилинган «Наврўз» ҳамда «Гулёр» фольклор-этно-

график ансамблларининг чиқиллари барчани хушнуд этди. Куй ва қўшиқлар раёс-ларга уланди. Районда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўз куй-қўшиқларини, урф-одатларини намойиш этиб, кўнгилоҳарлик қилишди.

— Мустақиллик кунини районимизда меҳнаткашлари очик чехра билан кутиб олдилар, — деди район партия қўмитаси котиби Уктам ака Каримбердиев. — Бўстонлик-

да 47 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам бугунги табаруқ куй ҳақиқий байналмилал байрамга айланди.

Байрам «Дўстлик» совхозида ҳам ўзгача тус олди. Халқ сайлида хўжалик директори Ш. Норпулатов сўзга чиқиб, қишлоқ аҳлини мустақиллик кунин билан қутқалди.

Абай номидаги жамоа хўжалиқларида ҳам байрам шодоналиги бўлди. Тантаналарда бадий ҳаваскорлик тўғарақлари ва дасталари-

Бўстонлик

нинг хонадалари ижро этган куй ва қўшиқлар шўх булбул овози сингари тоғлар ва дараалардан акс садо бериб байрам файига фавз қўшди.

Дарвоқе. Абай номида «Қизил-ту» жамоа хўжалиқларида, «Дўстлик», Навоий номида шуру хўжалиқларида дала меҳнаткашлари учун қўй сўйилиб, дош қозонлар осилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безатилди.

Шу кунги мактабларда нишонланган билимлар кунини ҳам мустақиллик шодоналарини билан улаиб кетди.

Х. ШАФОАТОВ.

да 47 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам бугунги табаруқ куй ҳақиқий байналмилал байрамга айланди.

Байрам «Дўстлик» совхозида ҳам ўзгача тус олди. Халқ сайлида хўжалик директори Ш. Норпулатов сўзга чиқиб, қишлоқ аҳлини мустақиллик кунин билан қутқалди.

Абай номидаги жамоа хўжалиқларида ҳам байрам шодоналиги бўлди. Тантаналарда бадий ҳаваскорлик тўғарақлари ва дасталари-

да 47 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам бугунги табаруқ куй ҳақиқий байналмилал байрамга айланди.

Байрам «Дўстлик» совхозида ҳам ўзгача тус олди. Халқ сайлида хўжалик директори Ш. Норпулатов сўзга чиқиб, қишлоқ аҳлини мустақиллик кунин билан қутқалди.

Абай номидаги жамоа хўжалиқларида ҳам байрам шодоналиги бўлди. Тантаналарда бадий ҳаваскорлик тўғарақлари ва дасталари-

нинг хонадалари ижро этган куй ва қўшиқлар шўх булбул овози сингари тоғлар ва дараалардан акс садо бериб байрам файига фавз қўшди.

Дарвоқе. Абай номида «Қизил-ту» жамоа хўжалиқларида, «Дўстлик», Навоий номида шуру хўжалиқларида дала меҳнаткашлари учун қўй сўйилиб, дош қозонлар осилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безатилди.

Шу кунги мактабларда нишонланган билимлар кунини ҳам мустақиллик шодоналарини билан улаиб кетди.

Х. ШАФОАТОВ.

нинг хонадалари ижро этган куй ва қўшиқлар шўх булбул овози сингари тоғлар ва дараалардан акс садо бериб байрам файига фавз қўшди.

Дарвоқе. Абай номида «Қизил-ту» жамоа хўжалиқларида, «Дўстлик», Навоий номида шуру хўжалиқларида дала меҳнаткашлари учун қўй сўйилиб, дош қозонлар осилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безатилди.

Шу кунги мактабларда нишонланган билимлар кунини ҳам мустақиллик шодоналарини билан улаиб кетди.

Х. ШАФОАТОВ.

нинг хонадалари ижро этган куй ва қўшиқлар шўх булбул овози сингари тоғлар ва дараалардан акс садо бериб байрам файига фавз қўшди.

Дарвоқе. Абай номида «Қизил-ту» жамоа хўжалиқларида, «Дўстлик», Навоий номида шуру хўжалиқларида дала меҳнаткашлари учун қўй сўйилиб, дош қозонлар осилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безатилди.

Шу кунги мактабларда нишонланган билимлар кунини ҳам мустақиллик шодоналарини билан улаиб кетди.

Х. ШАФОАТОВ.

нинг хонадалари ижро этган куй ва қўшиқлар шўх булбул овози сингари тоғлар ва дараалардан акс садо бериб байрам файига фавз қўшди.

Дарвоқе. Абай номида «Қизил-ту» жамоа хўжалиқларида, «Дўстлик», Навоий номида шуру хўжалиқларида дала меҳнаткашлари учун қўй сўйилиб, дош қозонлар осилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безатилди.

Шу кунги мактабларда нишонланган билимлар кунини ҳам мустақиллик шодоналарини билан улаиб кетди.

Х. ШАФОАТОВ.

нинг хонадалари ижро этган куй ва қўшиқлар шўх булбул овози сингари тоғлар ва дараалардан акс садо бериб байрам файига фавз қўшди.

Дарвоқе. Абай номида «Қизил-ту» жамоа хўжалиқларида, «Дўстлик», Навоий номида шуру хўжалиқларида дала меҳнаткашлари учун қўй сўйилиб, дош қозонлар осилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан безатилди.

Шу кунги мактабларда нишонланган билимлар кунини ҳам мустақиллик шодоналарини билан улаиб кетди.

Х. ШАФОАТОВ.

